



ОДАМЛАР ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, кенг қўлмали бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, йирик лойиҳалар билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 14-15 апрель кунлари Самарқанд вилоятида бўлди.

Президентимиз вилоятга ташрифининг иккинчи кунин Самарқанд шаҳридаги «Алломини» масъулияти чекланган жамиятига ташриф буюрди. Бу ерда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган қатор истиқболли лойиҳалар тақдимотлари ўтказилди.

Самарқанд вилояти улкан сайёҳлик салоҳиятига эга. Туризмни ривожлантириш, сайёҳлик хизмати кўрсатиш сифатини ошириш ва йўналишларини кенгайтириш юзасидан изчил ишлар олиб борилаётган. Бу борадаги салоҳиятни янада ошириш ва сайёҳлар оқимини кўпайтириш мақсадида Самарқанд шаҳрида эркин туристик ҳудуд барпо этиш бўйича 2017-2019 йилларга мўлжалланган лойиҳалар ишлаб чиқилган. Ушбу лойиҳаларга кўра шаҳарнинг Амир Темур кўчасида сайёҳлик-кўнгилочар меҳмонхона комплекси, Самарқанд эшакка эшитиш канали бўйида қишқи дам олиш маскани барпо этиш мўлжалланмоқда.

Давлатимиз раҳбарига мазкур янги сайёҳлик марказларининг имкониятлари, сайёҳларга кўрсатиладиган хизматлар, кўнгилочар масканларда халқимизнинг миллий анъана ва қадриятларини намойиш этиш бўйича ташкил этиладиган лойиҳалар ҳақида маълумот берилди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудлари каби Самарқанд вилоятида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, тадбиркорларнинг эркин фаолият кўрсатишини қўллаб-қувватлаш юзасидан кенг қўлмали чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг шу йил 12 январдаги «Ургут», «Ғиждувон», «Қўқон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони соҳа учун кенг имкониятлар яратмоқда.

Мазкур ҳужжатта мувофиқ «Ургут» эркин иқтисодий зонасининг Ургут туманида «Ургут-1», Нуробод туманида «Ургут-2» ва Пастдарғом туманида «Ургут-3» ҳудудлари ташкил этилди. Ушбу ҳудудлар учун жами 816 гектар ер ажратилиб, уларни зарур муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш ишлари бошлаб юборилган. Бугунги кунда «Ургут-1» ҳудудида енгил саноат, машиини техника, тиббиёт жиҳозлари, фармацевтика, чарм-пойабзал, канцелярия моллари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича лойиҳалар амалга оширилмоқда. 2017-2018 йилларга мўлжалланган 83 лойиҳа тайёрланган, уларнинг 20 таси жорий йилда ишга туширилди. Давлатимиз раҳбари ушбу лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлиги билан қизиқди.

Умумий қиймати 250 миллион долларни ташкил этувчи ушбу лойиҳалар тижорат банклари кредити ва таъсисчиларнинг маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Натижада 5,5 минг янги иш ўрни ташкил этилади.

Президентимиз ушбу стратегик ҳудудни ташкил этиш борасидаги ишларни тизимли йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади. Ҳудудга салоҳиятли тадбиркорларни жалб этиш, хориждаги индустриал зоналар фаолиятини ўрганиш ва илгор тажрибаларни амалиётга татбиқ этиш лозимлиги, Ургут туманида муайян коллежни танлаб, иқтисодий зонада фаолият кўрсатилган кадрлар тайёрлаш, бундай тажрибани «Қўқон», «Ғиждувон», «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналарига ҳам жорий этиш кераклиги қайд этилди.

Тадбиркорлар билан мулоқотда яратилаётган қўлай ишбилармонлик муҳитидан самарали фойдаланиш, маҳсулотлар сифатини ошириш, экспорт фаолиятини ривожлантириш, ташқи бозорларни ўрганиш ва хорижий ишбилармонлар билан ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан тавсиялар берилди.

Президентимиз Самарқанд шаҳрининг Даҳбед кўчасидан Пайариқ туманидаги Имом Бухорий мажмуасига олиб борувчи Нурафшон кўчасини ободонлаштириш лойиҳаси билан танишди.

Нурафшон кўчасида кенг қўлмали бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, атрофдаги эски ва бугунги кун талабларига жавоб бермайдиган бинолар ўрнида шаҳарсозлик талаблари асосида замонавий турар жойлар, ижтимоий объектлар қурилади.

Давлатимиз раҳбари шаҳарнинг Жомий кўчасидаги Ёшлар марказини реконструкция қилиш, ҳайвонот боғи қуриш лойиҳаларини кўздан кечирар экан, бу борадаги ишларни аҳолининг фикри ва тақлифлари асосида амалга ошириш, миллий меъморлик ва замонавий архитектура анъаналарини ҳисобга олиш бўйича кўрсатмалар берди.

Самарқанд шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида 2017-2018 йилларда саноат соҳасида 125 инвестицион лойиҳа амалга оширилади. Озиқ-овқат ва енгил саноат, чарм-пойабзал, фармацевтика, мебель ва қўғозни қайта ишлаш, электротехника, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, нефть-кимё ва бошқа соҳаларда қўзда тутилаётган лойиҳалар вилоятни изчил ривожлантиришга, аҳолининг ҳаёт сифатини янада яхшилашга қаратилган. Мазкур лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши 6 минг 300 дан ортиқ кишининг ишли бўлишига хизмат қилади.

Вилоятда «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик жамияти томонидан 163 лойиҳа амалга оширилмоқда.

Нуробод туманида «Навоий металлмаш» ва Хитойнинг «Gezhouba Group sement Co.LTD» корхоналари ҳамкорлигида цемент ишлаб чиқариш режалаштирилган. Йилга 2 миллион тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга ушбу корхонада 530 янги иш ўрни яратилади.

Пастдарғом туманида қуриладиган «Самарқанд Афросиёб цемент» корхонаси фойдаланишга топширилгач, 300 киши иш билан таъминланади. Корхонани 2018 йилда ишга тушириш мўлжалланган.

Шавкат Мирзиёев «Ургут» эркин иқтисодий зонаси ҳудудида маиший техникалар ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларни кўздан кечирди.

«Ўзэлтехсаноат» акциядорлик жамияти ва «Ideal Elektro Lyuks» масъулияти чекланган жамияти томонидан Туркиянинг «Odu» компанияси билан ҳамкорликда газ плиталар, электр духовка, кир ювиш машиналари ишлаб чиқариш бўйича амалга оширилаётган лойиҳаларнинг умумий қиймати 7 миллион долларни ташкил этади. Товарларнинг маълум қисми экспорт қилинади.

«Coven Elektro» масъулияти чекланган жамияти томонидан йилга 30 минг дона замонавий чанггютгич ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

Президентимиз мазкур лойиҳалар билан танишар экан, аҳолининг маиший техникалар билан таъминлангани унинг турмуш даражасининг асосий кўрсаткичларидан эканини таъкидлади.

ридан бири эканини таъкидлади. Маҳсулотларни дунё бозорига олиб чиқиш, «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» брендини янада кенг оммалаштириш бўйича зарур кўрсатмалар берилди.

Миллий банк томонидан фармацевтика соҳасида амалга оширилаётган лойиҳалар тақдими ҳам ўтказилди. «Optima SobiJon», «Perfect Pharma Group» масъулияти чекланган жамиятлари ва «Samarkand England eko medical» қўшма корхонасида 200 дан ортиқ иш ўрни яратиш мўлжалланган.

Шу ерда вилоятда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, спортни янада оммалаштириш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш борасидаги лойиҳалар тақдими ҳам ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Самарқанд вилоятидаги Халқ қабулхонасини бориб кўрди.

Самарқанд шаҳри, Даҳбед кўчаси, 32-уйда жойлашган ушбу қабулхонада фуқароларни қабул қилиш, муурожаатларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш учун барча зарур шароит яратилган. Президентимиз Халқ қабулхоналари халқ билан мулоқот учун эркинлик ва қўлайлик яратгани, энди асосий эътиборни одамларни рози қилишга қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев 2016 йил 5 октябрь кунин Самарқанд вилоятига ташрифи чоғида Самарқанд шаҳрида транспорт тизимини янада яхшилаш масаласига алоҳида эътибор қаратди ва трамвай линияларини барпо этиш зарурлигини таъкидлади. Ўтган қисқа вақтда бу борада зарур чора-тадбирлар амалга оширилди. Шаҳар кўчаларида пўлат излар ётқизилди.

Президентимиз 15 апрель кунин Самарқанд шаҳрида Темир йўл вокзали — Сартепа йўналиши бўйича трамвай қатновини йўлга қўйилишига бағишланган тадбирда иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари бир гуруҳ самарқандликлар билан «Тарих музейи» бекатидан «Темир йўл вокзали» бекатигача трамвайда бирга келди. Самимий мулоқот чоғида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, аҳоли фаровонлигини янада оширишга қаратилган алоҳида эътибор ҳақида сўз борди.

Икки томонлама қатновга мўлжалланган йўлда электр билан таъминловчи турта подстанция ва битта депо қурилди. Темир йўл вокзали билан Сартепа оралиғида 7,2 километрлик йўналишда 8 трамвай ҳаракатланади. Самарқанд шаҳрида турта йўналиш бўйича 20 трамвай қатновини йўлга қўйилиши белгиланган.

Шунинг билан Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд вилоятига ташрифи ниҳоясига етди. Ушбу ташриф 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастуридаги мақсад-вазифалар ижросининг амалий ифодаси бўлди. Ташриф давомида белгилаб берилган кенг қўлмали вазифалар, муҳокама қилинган йирик лойиҳалар вилоят тараққиётини янги босқичга кўтарди. Одамлар билан самимий мулоқотлар вилоят аҳлига куч-қувват, катта хурсандчилик бағишлади.

ЎЗА

Муносабат



Батмир МУСТАНОВ олган сурат.

«ЎЗ АҚЛУ ЗАКОВАТИМИЗ, МЕҲНАТИМИЗ ТУФАЙЛИ ҲАЁТИМИЗ ЯХШИЛАНИБ БОРАДИ»

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг вилоятимизга ташрифини барча самарқандликлар интиқлик билан кутган эди.

Давлатимиз раҳбари Самарқанд вилоятига ташрифини Биринчи Президентимиз Ислам Каримов қабрини зиёрат қилишдан бошлади. Шунингдек, бу ерда барпо этилаётган ёдгорлик мажмуаси билан танишди. Биринчи Президентимиз мақбараси Ҳазрати Ҳизр масжиди билан уйғун бўлиши зарурлигини алоҳида таъкидлади. Зиёратчилар ва расмий делегациялар учун кенг шароит яратиш бўйича кўрсатмалар берди. Давлатимиз раҳбарининг бу ерда Биринчи Президентимизнинг буюклиги, пок иймон-эътиқоди, сермазмун ҳаёти акс этиши, ушбу мажмуани юксак маънавий, илм-маърифат маскани бўлиши кераклиги тўғрисидаги фикрлари қалбларимизда ўзгача фохр ва ифтихор туйғуларини уйғотди.

Президентимиз Имом Бухорий ёдгорлик мажмуи қошида ислом маданияти, умумбашарий цивилизация ривожига бебаҳо ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг бой меросини ўрганишга ихтисослашган халқаро илмий-тадқиқот маркази қурилиши лойиҳаси билан танишар экан, унинг мазмун-моҳиятига алоҳида эътибор қаратди. Бино деворларида буюк алломаларимизнинг маънавий қудрати ва салоҳияти намоён бўлиб туриши, бунинг учун ҳар бир хонани муайян аллома номи билан аташ ва шунга мувофиқ жиҳозлаш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида Самарқанд вилоятида йирик лойиҳаларни амалга оширилиши халқимиз турмуш фаровонлигини янада юксалтириш учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Жаҳонда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий инқироз ҳали бери давом этмоқда. Бу жараён Ўзбекистон ҳам таъсир этмай қолмайди, албатта. Инқирознинг бизга таъсирини камайтиришнинг бирдан-бир йўли мамлакатдаги барча мавжуд имкониятларни ишга солиб, қисқа фурсатда, биринчи навбатда, иқтисодий юксалиш чораларини кўришдир. Бу йўналишда, аввало, саноатнинг ривожланиши жуда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам Самарқандда янги саноат корхоналарини ташкил этиш бўйича бир нечта улкан лойиҳалар маъқулланди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон агро-саноат маҳсулотларини фолл экспорт қилувчи мамлакатга айлантириш ва бу орқали бюджетга валюта тушумини кескин ошириш бўйича катта имконияти борлигига алоҳида ургу берди.

Президентимизнинг Самарқанд вилоятига ташрифи давомида Қўшрабод туманида юзлаб гектар майдонларда серхосил, эрта мева берадиган Колифорния ёнғоғи

боғларига биринчи кўчатлар экилди. Қўшрабод ва бошқа туманларда балик, парранда, чорва маҳсулотлари, сабзавот, узум етиштириш учун имтиёзли кредитлар ажратиш бўйича тегишли молия муассасаларига топшириқлар берилди.

Президентимизнинг вилоятларга ташрифлари мазмунини таҳлил қилсангиз, аксарият ижтимоий-иқтисодий йўналишдаги режалар, муайян топшириқлар ягона бosh мезонга қаратилганлигини аққол кўрасиз. У ҳам бўлса, инсон манфаатлари, бунда инсон манфаатлари аниқ объект сифатида намоён бўлади.

Қўрилаётган барча чора-тадбирлар, ҳар бир кишининг эҳтиёжини қондиришга қаратилган. Аҳолини иш билан таъминлаш, моддий-маънавий даражасини кўтариш, тиббий хизматлар сифати ва самарадорлигини яхшилаш.

Қўшни мамлакатлар билан алоқаларда кескин бурилиш ясаш, янада ривожлантириш, бу борада фойдаланилмай келаётган барча имкониятларни ишга солиш ҳам, ички интизом ва ижро масъулиятини мустаҳкамлаш ҳам, суд-ҳукм идораларининг фаолиятини такомиллаштириш ҳам, деҳқонлар ихтиёридаги ер майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳам, Самарқандда тарихий шаҳарда туризмни янада ривожлантириш ҳам, ҳуллас, барча-барча йўналишдаги ҳаракатларга инсон ва фақат инсон манфаати нуктаи назаридан, янгилаш нигоҳ билан қаралмоқда. Давлат ва унинг барча идоралари халққа хизмат қилиши, унинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ишлаши зарурлиги, яна бир қарра, Самарқандда ҳам таъкидланди.

Мамлакатимиз бўйлаб ташкил этилган Ўзбекистон Республикасининг Президентининг халқ қабулхоналари халқ билан Президент ўртасидаги тўққисилан бутунлай олиб ташлаб, давлат билан одамларни бир-бирига янада яқинлаштириш ва йиллар давомида кўз юмуб келинаётган мавжуд камчиликларни рўйи рост кўрсатиб берди.

Бир сўз билан айтганда, Президентимиз халқ дardини эшитмоқда. Халқимиз эътироф этаётганидай чинаямига халқ Президентини номига сазовор бўлмоқда.

Вилоятларга қилинаётган ташрифлардан мутахассисларнинг жойларда амалга оширилган таҳлилий ишлари орқали ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича аниқ режалари шакллантириляпти. Худди шу йўсинда, Самарқанд вилоятига қилинган ташрифда ҳам Президентимиз Жомбой, Булунгур, Қўшрабод, Нуробод ва бошқа туманлар аҳолисини янги иш ўринлари билан таъминлашга, у жойлардаги ижтимоий ҳаётни яхшилашга қаратилган бир нечта мукамал лойиҳаларни кўриб чиқиб, ижросини таъминлаш бўйича топшириқлар берди.

Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг четдан келиб, ҳеч ким бизнинг муаммоларимизни ечиб бермайди. Ўз ақлу заковатимиз, меҳнатимиз туфайли ҳаётимиз яхшиланиб боради, — деган даъватларида бутун халқни ҳаракатга келтирувчи қудратли куч бор.

Дунё бозоридида юртимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларига талаб юқори эканлигини эътиборга олган ҳолда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлашга, тоғолди ҳудудларида ёнғоқзорлар, тоқзорлар барпо этиш, чорва боқишни ташкил қилиш, балиқчиликни кўпайтиришга қаратилган қатор лойиҳалар тақдими вилоятимизда ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар қўплигини кўрсатди.

Мазкур лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши натижаида вилоятимизда минглаб янги иш ўринлари яратилади. Президентимиз таъкидлаганидек, инсонни иш билан таъминлашни унинг оиласи фаровон бўлишига, эртасига, давлатга ишончи ошишига асос бўлади.

Президентимиз ташаббуси билан Самарқанд шаҳрида трамвай транспорт ҳаракатининг йўлга қўйилиши шаҳар аҳолиси кутаётган воқеалардан бири бўлди. Шунингдек, шаҳарнинг Амир Темур кўчасида сайёҳлик меҳмонхона комплекси, Самарқанд эшакка эшитиш канали бўйида қишқи дам олиш маскани барпо этилиши, ҳайвонот боғи ташкил этиш каби лойиҳаларнинг амалга оширилиши ҳам вилоятимиз ижтимоий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Кейинги 4-5 ой ичида хусусий тадбиркорликка берилган имкониятлар шу қадар кенгайдик, илгари тадбиркор банк муассасаси эшиги олдида қўлаб ўтирган бўлса, энди банк ходимлари уйма-уй юриб, аҳолига хизматларини тақлиф қилмоқда.

Зиёлилар тили билан айтганда, мамлакатимизда шиддатли иқтисодий-маърифатпарварлик даври бошланди.

Давлатимиз раҳбари икки йил танқидий таҳлил асосида ишлаймиз, томошабин ва ҳиёнатчини бу жараёндан четлатамиз, — деганида, белгиланган вазифаларни рўйбга чиқаришда қатъий қураш бўлади, деб тушундим.

Президентимиз Самарқанддан янги кайфият билан қайтди, деган умиддаман. Самарқандликлар ушбу ислохотлар, ташаббуслар, улкан иштироки режалардан руҳланиб, ўз ишларига шиддат билан ёндашишига имоним комил.

Рустам ХОЛМУРОДОВ,
Самарқанд давлат университети ректори,
техника фанлари доктори,
профессор.

ЭЛЕКТР КОНСТРУКТОР НИМА?

Бу саволга жавоб олиш учун Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бўлиб ўтаётган иқтидорли ёшларнинг фан ҳафталигида иштирок этинг

— 2016 йилда телефон орқали бошқариладиган робот ясаб, «Камолот» ЁИХ томонидан ташкил этилган «Юрт келажаги» танловида биринчи ўринни олганман, — дейди университетнинг интеллектуал-муҳандислик тизимлари факультети 3-босқич талабаси Султонбек Эркинов. — Бу йилги фан ҳафталиги кўргазмасига ўзим ясаган «Devise», яъни «Ихтиро» деб номланган электр конструктор билан қатнашганман.

Университет доценти Эркин Улжаев раҳбарлик қилаётган Микропроцессорли интеллектуал тизимлар тўғрисида тайёрланган бу иш уч босқични ўз ичига олади. Лойиҳанинг мақсади — болаларнинг техникага қизиқишини ошириш. Унга кўра, бола даставвал электр конструктор орқали энг оддий электрон схемалардан тортиб мураккабларигача тузишни ўрганади. Кейин дастурлаш жараёнини ўзлаштиради ва 3-босқичда микроконтроллер орқали ўзи ихтиро қилган роботни ёки ҳаракатланувчи жисмларни бошқариши мумкин. Ушбу лойиҳам учун «Камолот» стипендиясига сазовор бўлди.

— Инновацион ғоялар, технология ва лойиҳаларнинг амалиётга татбиқ этилиши жамиятни ривожлантиради, — дейди Фан ва тараққиёт ДУК илмий-тадқиқот институт катта илмий ходими Дилшод Маҳкамов. —

Бизнинг институтимизда ҳам ана шу йўналиш бош мезон ҳисобланади. Ҳозир маҳаллий ва иккиламчи хомашёлардан фойдаланиб тайёрланган асфальт қопламалари «Узавтойул» ДАКнинг Қўқон филиалига қарашли икки километрлик масофадаги йўлга ётқизиш, синовдан ўтказилмоқда. Агар бу амалиётда қўлланиладиган бўлса, унинг ҳам таннари арзонлашади, ҳам йўлни мустаҳкамлаш хоссалари ошади.

— Фан ҳафталиги кўргазмасида иқтидорли талабаларимизнинг 12 ишланмаси намойиш қилинмоқда, — дейди техника фанлари доктори, профессор Орифжон Хошимов. — Энергетика факультети магистранти Маъруфжон Мўминов ўз ишланмасида Учқудук конларида ўзгармас электр қуввати билан ишлатилаётган бурғулаш ускуналарини ўзгарувчан ток электрооритмасига алмаштириш таклифини берган. Бу қурилма фойдали иш коэффициентини 20-30 фоизгача ошириш имконини беради.

Мазкур факультетнинг яна бир магистранти Самандар Акрамов Ангрен иссиқлик энергия таъминоти печларида кўмир етказиб берувчи қурилманинг мотор тезлигини бошқариш ишланмаси билан қатнашапти. Бу иссиқликни бир маромда сақлаб туриш имконини беради. — Ҳозиргача ихтирочилар



Савол ШОТЛУДАНОВ олган сурат.

ишларим 28 тага етди, — дейди техника фанлари доктори, профессор Юрий Шипулин. — Иш жараёнида талабаларга ўз тажрибаларимизни ўргатамиз, янги-янги ғояларни ўртага ташлаймиз. Мана бу оддийгина микропроцессор ичимлик солинадиган идиш сонини назорат қилади, юз минг донда идиш саногиде бор-йўғи биттага адашиши мумкин. Ҳозир 374 ана шундай ускуна мазкур йўналишда фаолият олиб бораётган корхоналарга ўрнатилган.

Энди сув оқими сарфи ва тезлигини ўлчайдиган мана бу ишланмага эътибор беринг. Биз уни такомиллаштириб, ёруғликдан қувват олиб ишлайдиган оптоэлектрон датчик ўрнатдик. Бу ускуна амалиётга жорий этилса, сув ўлчови аниқлигини тўрт бараварга оширади.

— Мазкур тадбирда тегишли ташкилот ҳамда муассасалар вакиллари, илмий тадқиқот институтлари ва қатор олий ўқув юртлири тадқиқотчилари ҳамда талабалар қатнашмоқда, — дейди

иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими мудири Шавқиддин Зулпонов — Бугунги кунда фаолият кўрсатаётган 39 фан тўғрисида, «Ихтирочи ёшлар мактаби» ҳамда «Ёшларнинг инновацион ғоялари» марказида ёш изланувчилар замонавий дастурлар ўрнатилган компьютерлар воситасида нефть-газ, геология-қидирув ва бошқа йўналишлардаги илмий тадқиқот ишларини олиб боришади ва шу асосда амалий тақлиф-тавсиялар тайёрлайди. Бу жараёнда

Нуруллоҳ ДОСТОН,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Қашқадарёда вилоятдаги йирик саноат корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иштирокида ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси ўтказилди.

50 МИЛЛИАРД СЎМЛИҚДАН ЗИЁД ШАРТНОМАЛАР ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йилда халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда вилоятда фаолият юритаётган йирик ва кичик ишлаб чиқариш корхоналари, хусусий тадбиркорлар билан бирга мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида корхоналар ўз маҳсулотлари билан қатнашди.

Президентимиз раҳнамолигида хусусий секторнинг эркин ва самарали фаолият юритиши учун қулай ишбилармонлик муҳити яратишга қаратилаётган алоҳида эътибор ушбу тармоқнинг иқтисодий таъминоти тараққиётидаги ўрнини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилаётгани таъкидланди. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан кўрсатилаётган доимий ғамхўрлик туфайли маҳаллий хомашёдан тайёрланган харидорлар, импорт ўрнини босувчи сифатли маҳсулотлар тури йилдан-йилга кўпаймоқда.

Мазкур ярмарка рақобатбардор, экспортбоз замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, йирик корхоналар ва кичик бизнес субъектлари ўртасида саноат кооперациясини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айни пайтда бозорга янги кириб келаётган тадбиркорлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, маҳаллий хомашё асосида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар турини кўпайтиришга замин бўлувчи буюртмалар портфелини шакллантириш, товар ва хизматларни реклама қилишда амалий кўмак беришга хизмат қилмоқда.

Ярмаркада тоғ жинсларини қайта ишлашга мўлжалланган техникалардан тортиб, чиройли ва бежирим мебеллар, қурилиш материаллари, полиэтилен қувурлар, парфюмерия, қандолат, озиқ-овқат маҳсулотларигача намойиш этилди. Уларнинг 10 дан ортиқ тури янги маҳсулотлардир.



Китоб шаридаги «Тегирмонмонтажсервис» масъулияти чекланган жамияти томонидан тақлиф этилган эҳтиёт қисмлар ва қурилмалар дони қайта ишловчи тадбиркорларда катта қизиқиш уйғотди.

— Корхонамиз ун, омухта ем ва комбикорм маҳсулотлари тайёрловчиларга импорт ўрнини босувчи эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш ва уларга сервис хизмати кўрсатиш билан шуғулланади, — дейди корхона раҳбари Алижон Эшқобилов. — Фаолиятимизни янада кенгайтириш мақсадида туркиялик ҳамкорлар билан жорий йилнинг бошида қўшма корхона ташкил этдик. Эндиликда ун, омухта ем, комбикорм ишлаб чиқаришга мўлжалланган технологияларни ўзимизда ишлаб чиқарамиз. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар учун ҳам технологиялар ишлаб чиқариш йўлга қўйлади. 2019 йилда ишга туширилиши мўлжалланган қўшма корхонада 50 янги иш ўрни яратилиб, йилга 2 миллион долларлик технология ва ускуналар ишлаб чиқарилади.


Ярмаркада корхона ва ташкилотлар, муассасалар, хўжалик юритиш субъектлари ҳеч қандай тендер танловисиз ўзаро шартномалар имзолаш ва маҳсулот харид қилиш имкониятига эга бўлди. Маҳсулотлар хариди ва ҳамкорликка оид 50 миллиард сўмликдан зиёд шартномалар имзоланди.

Ў. БАРОТОВ,
ЎЗА мухбири.

Миллий матбуот марказида

УЙИНГИЗДА ЧИРОҚ ЎЧМАЙДИ

«Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти томонидан «2016 йилда амалга оширилган инвестиция лойиҳалари ва паст қучланишли электр тармоқларини модернизация ва реконструкция қилиш дастури бўйича амалга оширилаётган ишлар» мавзунда матбуот анжумани ўтказилди.



— Бугунги кунда иқтисодиёт тармоқларининг жадал ривожланиши ҳамда аҳоли ҳаётининг фаровонлашиб бориши натижасида энергетика ресурсларига бўлган талаб кундан-кунга ошиб бормоқда, — дейди «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси ўринбосари Рўзқул Райимов. — Шу боисдан ҳам жамиятимиз мутахассислари томонидан асосий эътибор ишлаб чиқариш қучларининг имкониятларини янада ошириш, қўш энергия сарфлайдиган, маънан ва жисмонан эскирган ускуналарни технологик жиҳатдан замонавий, тежамкор электр ускуналарига алмаштиришга қаратилган.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарорларига мувофиқ 2021 йилга қадар 52 инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши кўзда тутилган. Ушбу лойиҳалар ижросини таъминлаш мақсадида жамият томонидан доимий равишда

энергия истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлашган тизими жорий қилиниб, Бухоро, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида 0,4 кВ истеъмолчиларни ҳисобга олиш тизими» дастури бўйича 1 миллиондан ортиқ ҳисоблаш нуқтаси ишга туширилиш арасида.

Айни пайтда республика электр тармоқларининг фаолияти даражаси ва сифатини янада ошириш, минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун қулай шароитлар яратиш ва аҳолининг яшаш шароитларини янада яхшилаш мақсадида паст қучланишли электр тармоқларининг ҳозирги ҳолати таҳлил этилиб, 2017-2021 йилларда паст қучланишли электр тармоқларини модернизация ва реконструкция қилиш ҳисобига шахар ва қишлоқлар аҳолисининг электр энергетикадан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар дастури қабул қилинган.

2017-2021 йилларда 34 минг километрдан ортиқ 0,4-6-10 кВ электр тармоқлари ҳамда 6 минг 930 дан ортиқ трансформатор пунктларини модернизация ва реконструкция қилиш режалаштирилган. Бунинг учун қарийб 836 миллион АҚШ доллари миқдорига маблағ сарфланиши кўзда тутилган. Шунингдек, мамлакатимиздаги 2 минг 272 маҳаллада 2 миллион 479 минг истеъмолчининг электр энергия таъминоти янада яхшиланади, технологик йўқотишларни 669,61 миллион кВт соатга, йиллик эксплуатация харажатларини 2015 йилга нисбатан 15,3 фоизга қисқартиришга эришилади.

Тадбир сўнгида журналистларни қизиқтирган саволларга мутахассислар жавоб қайтарди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Спорт

Олий лиганинг 6-туридан ўрин олган барча учрашулар натижасига етди. «Локомотив» ва «Насаф» ўртасидаги кескин баҳс барча футбол мухлисларининг эътибор марказида бўлди. Марат Бикмаевнинг 32- ва 51-дақиқаларда рақиб дарвозасига киритган тўплари «Локомотив»ни ҳисобда олдинга олиб чиқди. Ўйиннинг 90-дақиқасида «Насаф» ҳужумчиси Шароф Муҳитдинов жавоб тўпини киритди. Яқуний ҳисоб — 2:1.

ФУТБОЛ: КУТИЛГАН ВА КУТИЛМАГАН НАТИЖАЛАР

Ўтган тур «Насаф»ни мағлуб этган «Олмалик» бу сафар Тошкентда «Обод» меҳмони бўлди ва 0:1 ҳисобида ғалабага эришди. «Машъал» бу турни ўз уйида «Қўқон-1912»га қарши ўтказди. Ҳисоб: 1:1.

Бекободда «Металлург» меҳмони бўлган «Навбахор» клуби дуранг натижа билан қийоғланди — 0:0.

«Шўртан» ўз майдонида фаворитларни мағлубиятга учратиш давом эттирмоқда. Ўтган турда у «Локомотив»ни мағлуб этганди. Бу сафар «Пахтакор»га ҳеч қандай имконият қолдирмади. «Шўртан» ҳужумчиси Игорь Таран рақиб дарвозасига 34-, 81-дақиқаларда иккита тўп киритишга муваффақ бўлди. Шунингдек, Фулом Раҳмоновнинг 71-дақиқадаги голи «Шўртан»нинг 3:0 ҳисобидаги ғалабасини таъминлади.

Самарқанднинг «Динамо» клуби икки мағлубиятдан сўнг ўз майдонида «Бухоро» устидан 3:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Аҳамиятли томони, мазкур учрашувга ўн мингдан зиёд томошабин таширф бўлди. Ушбу баҳс энг кўп томошабин тўпланган учрашув дея қайд этилди.

«Сўғдийна» Навоийда ўзи учун ғалабага тенг бўлган дурангга (1:1) эришди.

Мавсумни омадсиз бошлаган «Бунёдкор» ниҳоят бу турда ғалаба қозонди. Фарғонада «Нефтчи»дан 2:1 ҳисобида устун келиб, 3 очко жамғарди.

6-турдан сўнг «Локомотив» ва «Динамо» 12 очко жамғарган ҳолда турнир жадалида биринчи ва иккинчи ўринда боришмоқда. 11 очкога эга «Қўқон-1912» учинчи ўринни банд этиб турибди.

Шаҳбоз САИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БУГУН	Об-ҳаво маълумоти	(°C)
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	+20	+10
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+5	+10
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	+25	+10
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	+30	+15
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	+20	+10
Тошкент шаҳри	+25	+10

Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион маркази жамоаси илмий ишлар бўйича директор ўринбосари Шавкат Фозиловага онаси Халима аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.